

УДК: 41+415

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ТЕНГ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР ТАҲЛИЛИ

Ш.Каримова

Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилшунослигида тенг боғланган қўшма гаплар таснифи ва турли таърафлари таҳлили келтирилган.

Аннотация

В данной статье изучены классификация и различные описания сложносочиненных предложений в современном английском и узбекском языках.

Annotation

In the given article classification of compound sentences and different definitions in modern linguistics of English and Uzbek languages are investigated.

Таянч сўз ва иборалар: қўшма гаплар, тасниф, грамматик, лексик-грамматик, лексик воситалар, грамматик қурилиш, оҳанг, боғловчи воситали, боғловчи воситасиз, тенг боғланган қўшма гаплар, таъриф, полипредикатив, уйғунлик.

Ключевые слова и выражения: сложные предложения, классификация, грамматический, лексико-грамматический, лексические средства, грамматическая конструкция, интонация, союзные предложения, бессоюзные предложения, сложносочиненные предложения, полипредикатив, гармония.

Key words and expressions: composite sentence, classification, grammatical, lexico-grammatical, lexical means, grammar structure, intonation, syndetic, asyndetic, compound sentences, definition, polipredicative, harmony.

Шаклан қўшма гап бирдан ортиқ содда гапларнинг бирикувидан таркиб топган бўлса ҳам бу содда гаплар мазмунан яхлит ҳолда бирикиб, умумий бир фикрни, мақсадни ифодалайди. Бундай гаплар турли боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги воситалар ёрдамида, турлича оҳанг билан ўзаро бирикади. Бундай қурилмалар гапларнинг оддий йиғиндиси бўлмай, янги бир тузилишни, алоҳида сифатни ташкил этганлиги учун синтаксиснинг алоҳида тадқиқот йўналиши ҳисобланади.

Ҳозирги замон инглиз тилшунослигида қўшма гаплар семантик – структурал жиҳатдан икки хил турга бўлинади: тенг боғланган қўшма гап (compound sentence) ва эргаш гапли қўшма гап (complex sentence).

“Тенг боғланган қўшма гаплар деб ўзаро тенг боғловчилар ёрдамида бириккан, мазмуни ва тузилишига кўра бир бутунликни ташкил этган қўшма гап турларига айтилади.”

Ҳозирги замон тилшунослигида тенг боғланган қўшма гаплар масаласи янги қиёсий тадқиқот йўналиши ҳисобланади. Бундай синтактик тузилиш устидаги изланишлар XX асрнинг 40-йилларида бошланган бўлиб, тенг боғланган қўшма

гаплар мавзусининг илк тадқиқотчиларидан бири – собиқ Иттифоқ Фанлар Академияси аъзоси В.Н. Ярцевани мисол тариқасида келтириш мумкин. Унинг ушбу мавзу устидаги изланишлари 1940-йилларга бориб тақалади. Кейинчалик, бу мавзуга бўлган қизиқишлар ортди ва бир қатор олимларнинг тадқиқот объектига айланди. Қўшма гаплар мавзуси устида изланишлар олиб борган тадқиқотчилардан Н.С. Поспелов, И.А. Попова, В.В. Виноградов, Л.П. Зайцева, И.П. Конькова, Л.С. Бархударов, С.П. Балашова, Ю.А. Ливицкий, Л.Л. Иофик, М.В. Волошенко, Б. А. Ильиш, И.П. Иванова, В.В. Бурлакова, Г.Г. Почепцов, М. Блок, Н. Кирволидзе, М.Т. Ирискулов, Ў.Қ. Юсупов, Ғ.М. Хошимов ҳамда ўзбек тили тадқиқотчиларидан Ғ.Абдурахмонов, Ш. Шукуров, А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Ҳ. Рустамов, М. А. Ҳамроев, Э. Қиличев, О. Азизов, М. Асқароваларнинг ўз навбатида тенг боғланган қўшма гаплар юзасидан ҳам ўз фикрларини баён этиб ўтишган.

Тилшунослар томонидан бу мавзу коммуникатив ҳамда структурал-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Уларнинг фикрича, сўзлашувда содда ёки қўшма гаплардан фойдаланиш ҳам субъектив, ҳам объектив сабабларга боғлиқ. Бу икки гапнинг қурилиш типи ҳар

Ш.Каримова – ФарДУ инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

ТИЛШУНОСЛИК

қандай тил тизими учун тааллуқли бўлган ҳолатдир [27.165].

Профессор Л.Л. Иофик гапларнинг уч хил қурилиш тизими (содда, тенг боғланган ва эргаш гапли қўшма гаплар)га кўра, икки тизимли қўшма гап турини аниқлаб кўрсатади: монопредикатив гаплар ва полипредикатив гаплар [15.41].

Л.Л. Иофик томонидан фойдаланилган эркин ва боғланган предикатив бирликлар атамалари орқали тенг боғланган қўшма гаплар ва эргаш гапли қўшма гаплар тушунилади. Бу атамалар бир-бирининг ўрнида ишлатилганда, ҳеч қандай маъно ўзгаришини келтириб чиқармайди.

Тилшунослар тенг боғланган қўшма гапларни тадқиқ қилар эканлар, унга турли таъриф бериш билан биргаликда унинг асосий қурилиш, семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Ю.А.Ливицкий дастлаб содда гаплардан қўшма гапларнинг фарқи ҳақида алоҳида тўхталган. Кўплаб лингвистик манбаларида тенг боғланган қўшма гапларни икки ёки ундан ортиқ мустақил бўлган содда гапларнинг боғланишидан ташкил топган бўлади деб таъкидлайди. Уларнинг ҳар бири маълум бир маълумотни тасдиқлайди ёки инкор қилади. Тенг боғланган қўшма гаплар иккита ўзаро боғланган маълумотларни ифодалаши билан ажралиб туриши изоҳланади. Бунда содда гаплар қўшма гаплар таркибида ўзида аввал мавжуд бўлган маънони сақлаб қолиши аниқ бўлади. Шу билан бирга, қўшма гапдаги содда гаплар бирикиб, алоҳида яхлит бир фикр уйғунлигини ташкил этади.

М.В. Волошенко ҳам тенг боғланган қўшма гаплар ҳақида юқоридаги таърифга жуда яқин муносабат билдиради. Тенг боғланган қўшма гаплар – бу, грамматик, интонацион ва мазмунан боғланган бирлик бўлиб, иккита предикатив бирликлардан ташкил топади. Улар тенг боғловчилар ёрдамида бирикади ва грамматик жиҳатдан бир-бирига тобе бўлмаган ўзаро тенг алоқада бўлади, деб таъкидлайди [10.23].

Юқоридаги фикрларга бошқа томондан ёндошишга ҳаракат қилган тилшунослар ҳам бир қатор. Улар тенг боғланган қўшма гаплар ҳақида қарама-қарши фикрга эга. Булардан Н.С. Поспелов 1950 йилда тенг боғланган қўшма гаплар тўғрисида изланишлар олиб

бориб, уни ташкил этувчи мустақил гаплар ўзаро боғлиқ бўлади, деб айтади. Лекин улар алоҳида маъно касб этмайди, деб ҳисоблайди.

Тенг боғланган қўшма гаплар тўғрисида тадқиқот олиб бораётиб, И.П. Конькова юқоридаги фикрни тасдиқлайди. Боғланган қўшма гаплар ўртасидаги алоқа ҳам тузилиш, ҳам лексик-грамматик жиҳатдан мавжуд бўлади. Тенг боғланган қўшма гап қисмлари мустақил бўлган ҳолатда кўриниши мумкин эмас. Улар ўзаро боғланиб, ягона мазмун-маъно касб этади, деб таъкидлайди.

Бу борада профессор Л.С. Бархударов қўшма гапларнинг таркибий қисми бўлган содда гаплар ўзининг синтактик хусусиятларини сақлаб қолади ва, ўз навбатида, қўшма гап таркибида янги хусусиятга эга бўлади. Лекин асосий хусусиятини йўқотмайди, фақат мустақил ҳолатда тургандан кўра янги маънода намоён бўла бошлайди, деб фикр билдиради [5.141].

М. Блокнинг фикрига кўра, тенг боғланган қўшма гапларни ташкил этган қисмлар синтактик жиҳатдан тенг мақомдаги бирлик сифатида намоён бўлади. Унингча, бу синтактик қурилмани таҳлил қилганда, қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Тенг боғланган қўшма гаплар қисмлари тартиби ўзгармасдир.

1.1. *He came at six and we had dinner together.*

Ушбу келтирилган мисолда қўшма гап қисмлари тартибини ўзгартириб бўлмайди.

2. Тенг боғланган қўшма гаплар қисмлари ўртасида аниқ семантик алоқа мавжуд бўлади ва бу алоқа одатда боғловчи ёки боғловчи воситалар орқали белгиланади.

2.1. Уйғунлик, қоришиқлик (harmony) ёки тасдиқ (agreement), қарама-қарши қўйиш, таққослаш (contrast) – copulative relation: *Her lips trembled and she put up her hand as if to steady them with her fingers.*

М. Ирискулов тенг боғланган қўшма гаплар ҳақида фикр юритар экан, унга икки ёки ундан ортиқ тенг ҳуқуқли гаплардан ташкил топган гаплар тенг боғланган қўшма гап, деб аталишини изоҳлайди [16.119].

Ер яхши, сув мўл, ўғут сероб, машиналар тайёр, куч етарли. (Ғ. Ғулом)

Унинг таъкидига кўра, қўшма гапларнинг бу тури тўғрисида тилшунослик фанида турлича фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар боғланган қўшма гапни гапнинг тузилиш турларига киритмаса ҳам бўлади, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, бундай қўшма гаплар қўшма гап қаторига сунъий равишда киритилган бўлиб, уларни ташкил этувчи гапларни осонлик билан таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Бизнинг фикримизча, тенг боғланган қўшма гап қисмларга ажратилганлигида қўшма гап таркибида эга бўлган маъносини сақлаб қола олмайди. Чунки, у бошқа бир қисм билан бирлашиб, яхлитлик ҳосил қилади.

Фикримизни далиллар орқали исботлашга ҳаракат қиламиз. Тенг боғланган қўшма гаплар ўзига хос хусусиятга эга, шунинг учун бундай гапларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ, чунки уларнинг таркибидаги содда гапларнинг жойлашиши маълум тартибга бўйсунди.

Меҳмонлар соат олтида келишди ва биз кечки овқатга ўтирдик.

Бу гапни ташкил этувчи таркибий қисмларнинг ўрнини алмаштириш мумкин эмас, чунки фикр мантиқан тўғри бўлмайди. Ундан ташқари, тенг боғланган қўшма гаплар ҳосил бўлишида содда гаплар ўртасида турли муносабатлар ҳам мавжуд бўлади:

а) бириктириш йўли билан боғланиш: *“Наташа ойнага кўзларини бир оз қисиб қаради ва бу тикилиб қарашдан она бир оз ҳижолат тортди.” (М. Горький);* б) айирув йўли билан боғланиш: *“Гоҳ ҳаво булут бўлади, гоҳ қуёш чиқади.”;* в) зидлов йўли билан боғланиш: *“Қор ёғди, бироқ унча совуқ бўлмади”.* Келтирилган далиллар тенг боғланган қўшма гап ўзига хос гап тури эканлигини кўрсатиб турибди.

Юқорида келтирилган тилшуносларнинг тенг боғланган қўшма гаплар ҳақидаги таҳлилини умумлаштириб шуни айтиш лозимки, тенг боғланган қўшма гаплар қўшма гапларнинг алоҳида тури сифатида намоён бўлади ва маълум лексик-грамматик хусусиятга эга бирлик сифатида ўрганилади.

Адабиётлар:

1. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. – М.: Высшая школа, 1966.
2. Волощенко М.В. Реализация семантики сопоставления в сложном предложении. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 2010.
3. Иофик Л.Л. Проблема структуры сложного предложения в новоанглийском языке. Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Л., 1965.
4. Ирискулов М.Т. Тилшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1992.
5. Ярцева В.Н. Развитие сложносочиненного предложения в английском языке. – Л., 1940.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор.)